**Шарипова Фарида Салимжоновна**

**Жумаева Хуршидабону Шермат қизи**

**Йўлдошева Дилдора Умиджон қизи**

**Рахмонова Гавҳар Бойсоат қизи**

Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали

# Сурхондаре ахолисида таркалган гелментлар ва уларнинг зарарли окибатлари

Одам ва ҳайвонларнинг а’зо ва тўқималари ҳисобига яшовчи майда чувалчанглар – гижжалар (гельминтлар), улар келтириб чиқарадиган касалликлар гельминтозлар дейилади. Инсониятга гельминтозлар жуда қадим замонлардан ма’лум бўлиб, улар барча паразитар касалликларнинг 90 фоизни ташкил қилади.

Касаллик манбаи бемор одам ва гижжалар билан зарарланган ҳайвонлар ҳисобланади. Қўзғатувчининг тури, юқиш йўли ва юқиш омилларига кўра гельминтозлар учга бўлинади:

Биогелминтозлар

Бу турдаги касалликда гижжа личинкаларининг инвазия (юқумлилик даражаси) босқичига қадар етилишида оралиқ хўжайин, тирик организм – я’ни, биологик муҳит керак бўлади.

Геогелминтозлар

Бу турдаги гельминтозда личинкаларнинг юқумлилик босқичига қадар етилиш жараёни тупроқда юзага келади.

Контагиоз

Контагиоз я’ни, мулоқот орқали юқадиган гельминтозлар – ушбу турдаги гельминтлар одамдан одамга бевосита ифлос қўллар, унинг ички кийими, чойшаблари, ювинишда ишлатиладиган буюмлари ва маиший анжомлар орқали юқади. Мулоқот йўли орқали юқадиган гижжаларга энтеробиоз ва гименолепидоз касалликлари киради.

Хасталикнинг бу турлари асосан болалар орасида кенг тарқалган. Улар нажаслари орқали ташқи муҳитни гижжа тухумлари билан ифлослантирадилар. Зарарсизлантирилмаган нажасни дала ҳамда экинзорларда ўғит сифатида ишлатилиши ва резавор мева ҳамда сабзавотларнинг ифлосланган сувлар билан суғорилиши ҳам бу хасталикнинг кенг тарқалишига замин яратади. Бундан ташқари гижжа касаллиги билан касалланган итларнинг экинзорларда оралаб юриши натижасида етиштирилаётган сабзавотлар, резаворлар ва кўкатлар гижжа тухумлари билан ифлосланади. Одамлар яхши ювилмаган сабзавотлар, резавор мевалар ва кўкатларни исте’мол қилиш орқали ўзларига гижжа тухумларини юқтириб оладилар.

Айнан сабзавотлар, резавор мевалар ва кўкатлар орқали аскаридоз, трихотсефалёз, анкилостомидоз, стронгилоидоз ва эхинококкоз каби гижжа касалликлари келиб чиқади.

Асорати Сиз ўйлагандан ҳам оғир дард

Гижжалар инсон организмига заҳарли та’сир кўрсатади. Шунингдек, улар аллергик реаксияцларни келтириб чиқаради. Яна организмнинг ҳар хил юқумли касалликларга қарши курашиш қобилиятини пасайтиради. Тўқима ва қон томир деворларини механик шикастланишига сабаб бўлади. Одам танасига тушьган витаминлар ва минерал моддаларни ўзлаштиради. Улар асаб тизимига ҳам катта салбий та’сир кўрсатади. Гельминтозлар инсон организмига паразит чувалчанглар (гижжалар) кириши натижасида юзага

келади. Чувалчанглар ўзи яшаб турган вужуддаги озуқалар ҳисобига кун кўради. Масалан, улар дармондорилар, оқсиллар, углеводлар ва микроэлементларни ютади, айримлари эса қон сўради.

Бугунги кунда бундай зараркунандаларнинг 250 га яқин тури аниқланган бўлиб, шулардан 9 хили болаларда учрайди. Болаларнинг мева-сабзавотларни ювмасдан ейиши, ўйинчоқлар, ўқув қуролларини оғзига солиши натижасида гижжа пайдо бўлади. Агар касаллик кузатилса боланинг қорни оғрийди, асабийлашади, жиззаки бўлиб қолади, уйқусида тишларини ғичирлатади. Орқа чиқарув аъзоси қичишади, бола уни қашийвериши натижасида тошма ҳосил бўлади, тери юзаси йиринглаши мумкин. Паразит нажас чиқиш йўлларига 5 мингдан 150 мингтагача тухум қўяди. Улар тез ривожланади ва ичак орқали бутун танага тарқалади. Болаларга гельминтозлар асосан ювилмаган мева-сабзавотлар, кўкатлар, болалар тувaклари ва уй ҳайвонлари орқали юқади.

Аҳоли, айниқса ёш болалар ўртасида шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш бўйича тадбирларнинг кучайтирилиши гельминтоз касалликлари билан зарарланиш ҳолатларининг минималлаштирилиши ва касалликнинг бартараф этилишига олиб келади, деб хабар беради Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

KNOWLEDGE

**Адабиётлар:**

1. Усмонова М., Алаудинова Д. Р. ЯЗЫК ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 161-165.
2. Эргашев Х. Ч. РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ ПО СОСЕДСТВУ, ПРИВЛЕКАЯ ИННОВАЦИИ И ЦИФРОВИЗАЦИЮ В МАЛЫЙ

БИЗНЕС И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО (В СЛУЧАЕ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ) //Экономика и социум. – 2023. – №. 1-1 (104). – С. 507-510.

3. Эргашев Х. Ч. РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ ПО СОСЕДСТВУ, ПРИВЛЕКАЯ ИННОВАЦИИ И ЦИФРОВИЗАЦИЮ В МАЛЫЙ БИЗНЕС И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО (В СЛУЧАЕ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ) //Экономика и социум. – 2023. – №. 1-1 (104). – С. 507-510.
4. Усмонова М., Алаудинова Д. Р. ЯЗЫК ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 161-165.
5. Усмонова М., Алаудинова Д. Р. ЯЗЫК ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 161-165.
6. Усмонова М., Алаудинова Д. Р. ЯЗЫК ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 161-165.
7. Эргашев Х. Ч. РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ ПО СОСЕДСТВУ, ПРИВЛЕКАЯ ИННОВАЦИИ И ЦИФРОВИЗАЦИЮ В МАЛЫЙ БИЗНЕС И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО (В СЛУЧАЕ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ) //Экономика и социум. – 2023. – №. 1-1 (104). – С. 507-510.